

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ВАЙСОВ ИСКАНДАР АДХАМДЖАНОВИЧ**

**НАСЛСИЗ НИКОҲ. УРОГЕНИТАЛ ИНФЕКЦИЯГА ЧАЛИНГАН  
ЭРКАКЛАР РЕПРОДУКТИВ ФУНКЦИЯСИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ- 2017**

УДК: 618.177-02+618.12-002-022:579.882+616.697-02+616.98:579.882

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

**Вайсов Искандар Адхамджанович**

Наслсиз никоҳ. Урогенитал инфекцияга  
чалинган эркаклар репродуктив функциясининг  
патогенетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда  
даволашни такомиллаштириш..... 3

**Вайсов Искандар Адхамджанович**

Бесплодный брак. Совершенствование терапии  
с учётом патогенетических особенностей  
репродуктивной функции мужчин  
с урогенитальной инфекцией ..... 29

**Vaisov Iskandar Adkhamdjanovich**

Barren marriage. Improving therapy taking  
into account the pathogenetic features of  
the reproductive function of men  
with urogenital infection..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 60

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ВАИСОВ ИСКАНДАР АДХАМДЖАНОВИЧ**

**НАСЛСИЗ НИКОҲ. УРОГЕНИТАЛ ИНФЕКЦИЯГА ЧАЛИНГАН  
ЭРКАКЛАР РЕПРОДУКТИВ ФУНКЦИЯСИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ- 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № Б2017.1.DSc/Tib76 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим тармоғига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Хаитов Қахрамон Нажмитдинович</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Заславский Денис Владимирович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси) <b>Набиев Талат Абдувахобович</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Исхакова Халида Ильхамовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкilot:</b>	«С.М.Киров номли ҳарбий-тиббиёт академияси» (Россия Федерацияси).

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_сон билан рўйхатга олинган). Манзил:100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй.Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э. А. Шамансурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д. И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра бепушт никоҳнинг учраши турли даражада ўзгариб туради ва ҳамма мамлакатларда унинг сони ортиб бормоқда. Бу ҳолат ушбу ҳудудда жинсий алоқалар орқали юқувчи инфекциялар (ЖАОЮИ)нинг тарқалиши билан узвий боғлиқдир. ЖАОЮИ долзарб тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб, аҳолининг репродуктив саломатлигига жиддий хавф солмоқда. Бепушт никоҳ демографик кўрсаткичларга ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Сўнгги маълумотларига кўра 20-24 ёшдагилар гуруҳида фертилик кўрсаткичи 42%га, 35-39 ёшдагилар гуруҳида эса 92%га камайган<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ташкил қилиш борасида кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борада кассаликларни самарали даволашнинг замонавий моделлар татбиқ этилди ва сезиларли натижалар кўлга киритилди. Эр-хотинлар жуфтлигида бепуштликни ташхислаш, ўз вақтида даволаш амалиётини қўллаш натижасида касалликнинг ташхислаш сифати 30,8%, даволаш 32-40% гача яхшиланди. Бугунги кунда тиббиётда ҳал қилиниши зарур муаммоларнинг бартараф қилиш, энг аввало «аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ва сифатини оширишга қаратилган тиббиётнинг биринчи бўғини, тез ва шошилишч тиббий ёрдамни янада ислох қилиш натижасида оила саломатлигини мустаҳкамлаш, болларда учрайдиган туғма кассаликларни олдини олишга қаратилган сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш орқали уларни тўлақонли ҳаёт фаолиятини тъаминлашга эътибор қаратиш зарурлиги сезилмоқда»<sup>2</sup>. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва бепуштликни камайтириш, айниқса ЖАОЮИдан кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Жаҳон миқёсида, аҳолининг ЖАОЮИ билан касалланиш, эркакларда сурункали простатитлар, везикулитлар, эпидимитлар ривожланиши, жинсий қобилятсизлик ва никоҳдаги бепуштлик муҳим тиббий ва ижтимоий муаммолардан бирига айланган. Қўзғатувчиларнинг молекуляр-генетик тавсифи, касалликнинг клиник кечиши, ташхиси, профилактикаси бўйича маълумотлар камлиги ушбу касалликлар юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришга асос бўлади. Бу борада ЖАОЮИ ва яширин урогенитал тракт

<sup>1</sup>World Health Organization.Task Force on Methods for the Regulation of Male Fertility (1996) Contraceptive efficacy of testosterone-induced azoospermia and oligozoospermia in normal men. Fertilityandsterility, 65: 821-9.Всемирная организация здравоохранения. (Женева). Основные документы. Перевод ВОЗ. 43-е изд., включая поправки, принятые до 31 декабря 2000 года.- Женева,201.- с.261.

<sup>2</sup>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

инфекцияларига боғлиқ бўлган кўшимча жинсий безлар касалликларини эрта ташхис қўйиш, замонавий текшурув усулларни амалиётга тадбиқ қилиш, олиб борилаётган профилактика ва бепуштлика қарши кураш чора-тадбирларни такомиллаштириш, шу мақсадда янги босқичма-босқич даволаш усулларини яратиш, эр-хотин жуфтликларида бепушлик хавф омиллари, таркиби ва ташхислаш хусусиятлари, шунингдек эркаклар бепуштлигида жинсий аъзолар патологик ва физиологик хусусиятларини аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сон «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Бепушт никоҳ, эр-хотинларнинг репродуктив саломатлигига салбий таъсир қилувчи ва бепуштликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Universitat Heidelberg (Германия), Independent Academic Scholar Magdeburg (Германия), Cliniques Universitaires Saint-Luc Catholic university of Louvain (Бельгия); Hospital St.Antoin, Assistance Publique-Hopitaux de Paris and University Paris (Франция), Medical University (Австрия), Clinica Obstetrica e Ginecologia (Италия); University of California, San Francisco (АҚШ); Bristol Centre For Reproductive Medicine (Буюк Британия); University of Chicago (АҚШ), University of Manitoba, Winnipeg MB (Канада), Дерматовенерология ва косметология давлат илмий маркази (Россия Федерацияси) ва Республика ихтисослашган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Эр-хотин жуфтлигида бепуштликнинг сабабларини аниқлаб ва даволашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор, илмий

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [http://www.hivrussia.ru.](http://www.hivrussia.ru;); [http://www.hivnat.org.](http://www.hivnat.org;); [http://www.uchicago.edu.](http://www.uchicago.edu;); [http://link.springer.com.](http://link.springer.com;); [http://mosors.narod.ru.](http://mosors.narod.ru;); [http://dermatology.ucsd.edu.](http://dermatology.ucsd.edu;); [http://hivinsite.ucsf.edu.](http://hivinsite.ucsf.edu;); <http://www.cdc.gov/>; [www.amrita.edu.](http://www.amrita.edu;); [https://www.amrita.edu.](https://www.amrita.edu;); <http://umanitoba.ca>; <http://www.mathnet.ru.>; <http://www.ssmu.ru.>; <http://www.ksma.ru.>; <http://www.rudn.ru.>; <http://patient.ncagp.ru.>; <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

натижалар олинган, жумладан: бепушт аёлларда бачадон ва бачадон найларининг туғма аномалиялари аниқланган (Clinica Obstetrica e Ginecologia, Италия); репродуктив тизимнинг туғма ва орттирилган нейроэндокрин регуляциясининг бузилиши аниқланган (National Center For Infection Diseases, АҚШ); эркакларда сперматозоидларнинг ҳосил бўлиши, етилиши ёки уруғлантирувчи хусусиятларининг бузилиши аниқланган (Medical University, Австрия); эркакларда жинсий ёки эякулятор (уруғотилувчи) фаолияти бузилишлари аниқланган (Bristol Centre For Reproductive Medicine, Буюк Британия).

Бугунги кунда бепуштликни келтириб чиқарувчи кўзғатувчиларни молекуляр-генетик тавсифи ва уларнинг жинсий аъзолар касалликларида клиник-морфологик ахамиятини аниқлаш, профилактика самарадорлигини ошириш бўйича жаҳон миқёсида қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда: хужайралар ичида ривожланувчи инфекцияларнинг патогенетик ролини аниқлаш; ЖАОЮИ молекуляр-генетик хусусиятларини аниқлаш; сурункали жинсий аъзолар касалликларида кўзғатувчилар элиминациясига таъсир этувчи янги дори воситаларини ишлаб чиқиш; эр-хотинлар бепуштлигини эрта ташхислаш ва даволашнинг янги самарадор усулларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда дунёда ЖАОЮИнинг ўсиб бориши кузатилмоқда. Турли мутахассислар (акушер-гинекологлар, дерматовенерологлар, урологлар ва бошқ.) томонидан бепуштликни тадқиқотига бағишланган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, репродуктив аъзолар патологиялари ўзгача кечиб, ўтказилаётган даволаш самараси кам бўлмоқда (Jose P. Carrascosa, et all., 2017, Cabar F.R., 2016, Salehi Z., 2016, Mkrtchyan H.V.et. all., 2017, Коробков Д.М., 2016, Красносельских Т.В., 2016, Сасина В.И., 2017, Гайсина А.Р., Галимов К.Ш., 2017, Павлов В.Н. ва бошқ., 2016, Тер-Степанян М.М., 2017, Акышбаева К.С. ва бошқ., 2017).

Ўзбекистонда латент кечувчи сурункали простатитлар, везикулитлар, эпидидимитлар ва уларнинг бепуштлик, жинсий бузилишлар кўринишидаги асоратлари учрашининг ортишини авторлар жинсий йўл билан юқадиган, кўпинча яширин инфекция бўлган янги авлод инфекцияларининг аниқланиши билан боғлайдилар (Абидов А.М., 2012). Кўп авторлар эркакларда ЖАОЮИ келтириб чиқарган сийдик-таносил аъзолари касалликларининг ортишини ижтимоий омиллар билан боғлайдилар, яъни аҳоли миграцияси, урбанизацияси, жинсий фаолликнинг ортиши, бетартиб жинсий алоқалар, моддий танқислик, микробга қарши воситаларга резистентлик ва бошқалар (Сабиров У.Ю., 2008, Алиева Д.А., 2013, Мирсаидова М.А., 2016). Сийдик-таносил йўлининг ЖАОЮИ билан боғлиқ яллиғланишли касалликлари кўпроқ жинсий фаоллик давридаги эркаклар ва аёлларни шикастлайди. ЖАОЮИ асоратлари беморларни меҳнат лаёқатини йўқотишга, бепуштликка, аёлларда эса ҳомиланинг она қорнида инфекция билан зарарланишига, бола тушишига, ўлик туғилишга олиб келади (Порсоханова Д.Ф., Абидов А.М., 2012; Мирсаидова М.А., 2016). Простата

бези, уруғ пуфакчалари, мойк ўсимталари шикастланишининг объектив ва субъектив белгиларининг турли-туманлиги уларни ташҳислашни қийинлаштиради, умум қабул қилинган клиник ва лаборатор усуллар ҳар доим ҳам яллиғланиш жараёнини аниқлашга имкон бермайди.

Простата бези секретари бактериялар флорасининг ЖАОЮИ аҳамияти ҳақида баҳс-мунозаралар кенгаймоқда (Раҳматов Н.И. 2009, Асадов Х.Д. 2009, Эшбаев Э.Х. 2010). Инфекцион простатитлар, везикулитлар, эпидидимитлар ва уларнинг асоратларини даволаш замонавий тиббиётнинг долзарб ва мураккаб муаммоларидан бири эканлиги тан олинмоқда. Антибиотикларни кенг қўллаш беморларни этиотроп даволашда қийинчиликлар туғдириб, микроорганизмлар резистентлигининг ортисига олиб келади (Набиев Т.А., 2012, Мухамедов И.М. ва бошқ., 2007, Эшбаев Э.Х., 2010).

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни таъқазо қиладики бепуштлигимавжуд бўлган ЖАОЮИ билан касалланган беморларда ташҳислаш ва даволашнинг янги усулларини қўллаб, улардаги простатитларни, везикулитларни, эпидидимитларни эрта ташҳислаш, касаллик эпидемиологияси, этиологияси, патогенези ва клиникаси хусусиятларини мақсадли йўналтирилган ҳолда аниқлаш заруратини кўрсатади ҳамда муаммонинг долзарблиги ва амалий жиҳатдан муҳимлигини белгилайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ А-9-074 «Тижорат мақсадида жинсий алоқа билан шуғулланувчи аёллар орасида жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар профилактикаси» (2006-2008йй.) мавзусидаги лойиҳа асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эр-хотин жуфтликларида бепуштлиқ хавф омиллари, таркиби ва ташҳислаш хусусиятлари, шунингдек эркаклар бепуштлигида жинсий аъзолар патологик ва физиологик хусусиятларини аниқлаш орқали даволашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аёлларнинг репродуктив тизим ҳолати, бепуштлиқ даражаси ва ривожланиши хавф омилларини ретроспектив таҳлиллаш;

аёллар ва эркаклар бепуштлиги сабабларини эр-хотин жуфтлиги таркибида проспектив аниқлаш;

эр-хотинлар хулқ-атворининг ЖАОЮИлар юқишига ва репродуктив аъзолар зарарланиши даражасига таъсирини аниқлаш;

бепушт эркаклар урогенитал йўлида касаллик кўзғатувчиларининг аниқланиш даражасини баҳолаш;

*trichomonas vaginalis*ни клиник-микробиологик аниқлаш ва ташҳислаш усулини асослаш ҳамда трихомониаз касаллигининг даволаш тактикасини такомиллаштириш;



эркаклар ЖАОЮИ да жинсий безлар касалликлари ва сперматологик ўзгаришлари хусусиятларини аниқлаш;

бепушт эркакларда репродуктив асоратларни ПИЛН билан комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш учун ЖАОЮИни ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида никоҳда бепушт бўлган 2196 нафар аёллар касаллик тарихи, никоҳда бепушт бўлган 500 нафар эр-хотин жуфтлиги ва ижтимоий салбий мақомдаги 433 нафар аёллар текширилди.

**Тадқиқотнинг предмети** эркак ва аёллар периферик қони, репродуктив аъзолари спермаси ва микрофлораси микробиологик таҳлиллар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Умумклиник, микробиологик, морфологик, электрон микроскопик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат: касалликнинг илк юқиши ва бепуштликнинг ривожланишида эркакларнинг роли, аёлларга инфекциянинг юқиши ва репродуктив аъзолар шикастланиши даражаси аниқланган;

аёллар бепуштлигида обтурацион асоратлар, бирламчи бепуштликда-ЖАОЮИ, иккиламчи бепушликда эса туғруқдан ва абортдан кейинги асоратлараниқланган;

бепушт эркаклар инфертиллигида сперманинг патологик ўзгаришлари, варикоцеле, уруғ чиқарувчи йўллар обструкцияси, қўшимча жинсий безлар касалликлари эканлиги исботланган;

бепушт эр-хотинлар микст-инфекциялари ичида трихомонада ва хламидия қўзғатувчиларининг учраш даражаси аниқланган;

уруғда сперматозоидлар миқдорининг камайиши, айниқса аралаш инфекцияли беморларда эса уларнинг ҳаракатчанлигининг кескин сустлашуви аниқланган;

илк бор бепушт эркакларда паст интенсив лазер нурлантириш усулини қўллаш орқали яллиғланиш жараёнини, дориларга боғлиқликни, сперма меъёрлашувини ва репродуктив фаолиятни тикланиши аниқланган;

илк бор бепуштликда ПИЛН таъсирида сперматозоидларнинг фаол-ҳаракатчан, морфологик нормал, яшашга қобилиятли шакллари миқдори ортиши касалликнинг илк юқиши ва бепуштликнинг ривожланишида эркакларнинг роли, аёлларга инфекциянинг юқиши ва репродуктив аъзолар шикастланиши даражаси аниқланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бепушт эр-хотинлар репродуктив аъзоларининг шикастланишида, ЖАОЮИ ва йўлдош урогенитал инфекциялар эпидемиологик аҳамияти аниқланган ҳамда улар патогенезида трихомонада ва хламидия инфекцияларининг етакчи роли асосланган;

ташхислаш самарадорлигини оширишда клиник материални эркаклар сийдик-таносил йўлининг турли соҳаларидан олиш зарурати асосланган, ЖАОЮИ ташхислаш ва босқичма-босқич даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

сурункали трихомониазли эркаларда этиотроп даволашдан аввал ва кейин йўлдош носпецифич бактериял флорасини ташхислаш ва коррегирлаш асосланган;

вирусли ЖАОЮИ беморларни даволашнинг самарали ва қулай усули биргаликда СО<sub>2</sub> лазер ва ПИЛН қўллашишлаб чиқилган;

ЖАОЮИ ва УГИли бепушт эркаларда сурункали простатит, везикулит, эпидидимитни ташхислаш ва комплекс даволаш алгоритми яратилган;

бепушт эркалар бел соҳаси ва мойк ортиқлари зонасида паст интенсив лазерли нурлантириш усулини қўллаш яллиғланиш жараёнини камайитириши ҳамда спермограмма кўрсаткичларини меъёрлаштириши исботланган;

ёшларнинг профилактик кўриклари босқичида уларнинг репродуктив хулки, ижтимоий келиб чиқиши ва ўтказган касалликлари анамнези орқали репродуктив саломатликни баҳолаш ва потенциал бепуштликни аниқлаш бўйича хавф гуруҳини шакллантириш зарурлиги асосланган;

ёшлар орасида маълум хулқий омиллар - жинсий ҳаёт бошланишини кечиктириш, жинсий алоқа қилувчи шахслар сонини камайитириш, контрацепция усулларида фойдаланишни шакллантириш орқали бепуштликнинг олдини олишда ЖАОЮИ бирламчи профилактикаси муҳимлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бепушт никоҳ ва эркалар репродуктив функцияси бузилиши, унинг патогенетик хусусиятлари ва келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Бепушт эр-хотинларда аниқланган ЖАОЮИ – уларнинг тури, таъсир механизми, жинсий аъзоларда келтириб чиқарадиган анатомик-функционал ўзгаришлари бўйича тадқиқотлар ушбу патологияни патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тадбиқ этилган бепушт эркаларни ташхислаш ва даволаш алгоритми шифохона ташхислаш ва даволашнинг оптимал вариантини танлашга замин яратган. Бу эса жинсий аъзолар касалликлари - ЖАОЮИни эрта ташхислаш ва даволашга янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш ҳамда бепуштликни олдини олишга хизмат қилади. Жорий қилинган ПИЛН усули орқали беморнинг урогенитал йўлидаги яллиғланишни олдини олади ва йўлдош бактериял инфекцияларни

даволаш орқали уруғдаги сперматозоидлар патологик шакллари сонининг камайиши ва уларнинг ҳаракат фаоллигини орттириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бепушт никоҳ, урогенитал инфекцияли эркаклар репродуктив функциясининг патогенетик хусусиятлари асосида даволашни такомиллаштириш буйича олинган илмий натижалар асосида:

ЖАОЮИни эрта аниқлаш, никоҳда бепуштлик ривожланишини прогнозлаш, шунингдек даволашни такомиллаштириш буйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Эр-хотинларни ЖАОЮИга дастлабки текширувларнинг тамойиллари» мавзусидаги услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 01 февралдаги 8Н-д/1-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ЖАОЮИни эрта ташхислаш, клиник кечишини ва асоратлари ривожланишини аниқлаш ҳамда касалларнинг 1/5 қисмида унинг олдини олишга имкон яратади;

ЖАОЮИ ва бепуштликнинг ташхис мезонлари, уларни даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш буйича тадқиқот натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан Республика ихтисослаштирилган илмий амалий дерматология ва венерология тиббиёт маркази клиникаси, Республика ихтисослаштирилган илмий амалий акушерлик ва гинекология тиббиёт маркази клиникаси, Республика тери таносил клиник шифохонаси ва Тошкент вилоят тери таносил диспансери амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 01 февралдаги 8Н-д/1-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар бирламчи бўғин шифокорлари томонидан ЖАОЮИни олдини олиш ва эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришда кенг фойдаланилмоқда. Инфекцияларни эрта ташхислаш, даволашда антибиотикларга сезгирлик аниқлаш орқали бепушт эр-хотинларда репродуктив асоратларидан даволаш муддатини 3-4 кунгача қисқартириш, фарзанд кўриш имкониятини яратади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси буйича жами 35та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 34 мақола, жумладан 21таси республика ва 2таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари

аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бепушт никоҳ ижтимоий ва табиий демографик муаммо**» деб номланган биринчи бобида бепуштлик ва ЖАОЮИ ташҳисоти ва патогенези, этиологияси, бепушт никоҳда эркаклар ва аёллар репродуктив аъзолари функционал ҳолатининг хусусиятлари ҳақидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинган ва уларни даволашнинг замонавий усулларининг қиёсий таҳлили берилган. Тиббиётда лазер технологияларини қўллаш ва ривожланиш тарихи баён этилган.

Диссертациянинг «**Бепушт никоҳда эркаклар ва аёллар репродуктив аъзолар ва ЖАОЮИни ташҳислаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида материал ва уч босқичли тадқиқот усуллари баён этилган:

1-босқич - касаллик тарихи ва аёлларнинг мурожаати бўйича ретроспектив таҳлил материаллари асосида эр-хотинларда бепушт никоҳ тузилишини, шунингдек фақат никоҳда яшовчи аёлларнинг жинсий саломатлиги ва ЖАОЮИ ни, никоҳдан ташқари алоқаларга киришувчи ва тижорат жинсий алоқалари билан шуғулланувчиларни ўрганиш.

2-босқич - бепушт никоҳда эр-хотинларнинг репродуктив аъзоларига патоген шартли патоген бактериял флоранинг таъсирини ўрганиш, уларни ташҳислаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш.

3-босқич- бактериял флора ва ЖАОЮИ билан боғлиқ бепушт никоҳдаги эркакларда сперманинг бўзилиши ва қўшимча жинсий безлар ҳолатини ўрганиш, ЖАОЮИ ва бепуштликдан азият чекаётган шахсларни комплекс баҳолашда ПИЛН ва СО<sub>2</sub> лазер самарадорлигини баҳолаш.

Аёллар бепуштлиги тизимини аниқлаш мақсадида 2005 йилдан 2007 йилгача бепуштлик муаммосида А ва Г РИИАТМ клиникасига мурожаат қилган 2196 аёлнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинди. Бепуштлик муаммосини ўрганиш учун А ва Г РИИАТМ 500 бепушт эр-хотиннинг ва Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти ИИК бўлган 433 ижтимоий салбий ҳолатли аёлнинг ретроспектив текшируви ўтказилди. Оилада бепуштлик 2 йилдан 15 йилгача ораликда бўлган.

Эр-хотинларда сийдик-таносил аъзоларини текшириш ва ЖАОЮИни аниқлаш УзРССВ буйруқлари билан тасдиқланган стандартларга мос равишда ўтказилади, бепуштлик тузилишини ўрганиш учун асосий ҳужжат инсон репродукцияси бўйича тадқиқотлар дастури учун ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган бепушт жуфтни текширишнинг стандартлаштирилган баённомаси бўлди.

ЖАОЮИни юқтириш эҳтимолига ва аёлларнинг репродуктив аъзолари ҳолатига ижтимоий ҳолат ва жинсий фаолликнинг таъсирини ўрганиш учун аёлларни киёсий текшириш ўтказилди.

1-гуруҳ-ЖАОЮИ билан бирга кечучи бепушт аёллар.

2-гуруҳ- ЖАОЮИнинг клиник-лаборатор белгиларисиз бепушт аёллар.

3-гуруҳ- стационар шароитда текширилган 1 йилдан кам бўлмаган муддатда мукофотланишлар эвазига жинсий хизмат кўрсатувчи аёллар.

Назорат гуруҳи- ЖАОЮИ бўлмаган доимий партнёрга эга бўлган 20 нафар аёл.

Мурожаат бўйича бепушт никоҳ тузилишини ўрганиш учун инсон репродукцияси бўйича тадқиқотлар дастури учун қабул қилинган ЖССТнинг текшириш баённомасидан фойдаланилди, у 2 қисмдан иборат: 1-эркакларни текшириш; 2-аёлларни текшириш.

Эркаклар бепуштлигини ташҳислашда асосий 3-5 кунлик жинсий тутиб туришдан кейин эякулятни ўрганиш бўлди. Сперма мастурбация орқали олинди. Спермани таҳлил қилиш сперматозоидларни ва уруғ суюқлигини қуйидаги макро-микроскопик ва биокимиёвий кўрсаткичлар бўйича текширишларни ўз ичига олди:

-сперматозоидларни морфологик баҳолаш уларни азурэозин билан бўяш кейин турли шаклларнинг фойиздаги таркибини ҳисоблаш билан олинган эякулятнинг иккитадан намунаси текширилди.

-жинсий йўлда яллиғланиш жараёнларини аниқлаш учун уретра суртмасининг микроскопик текшируви сперма ва простата соқининг бактериал тешируви ўтказилди.

-бепуштликнинг иммунологик омилини исботлаш мақсадида антиспермал ауто антителалар даражаси аниқланди. Олинган маълумотлар асосида ЖССТ экспертлари гуруҳи таклиф этган диагностик мезонлар реестрига мувофиқ равишда ташҳис қуилди.

Аёллардаги бепуштликни ташҳислаш АваГ РИИАТМ клиникасида ўтказилди. Акушер-гинеколог томонидан аёлларни гинекологик текширувдан кейин, текшириш учун материал цервикал каналдан, анал тешиқдан ва киннинг орқадаги гумбазидан олинди.

Эр-хотинларда ЖАОЮИни аниқлаш комплекс равишда текширувнинг стандарт усуллари қуллага ҳолда ўтказилди:

- Суртама бактериоскопияси ва сийдик-таносил аъзолари ажратмалари ва простата беzi секретини бактериологик текшириш. Суртмаларни бўяшни Грам бўйича гематоксилин ва эозин билан Романовский-Гимза бўйича (хламидияларга), шунингдек метилен яшили (трихомонадаларга) билан амалга оширилди.

- Беморлар ва назорат гуруҳи шахсларни қонининг сифилисга, ВИЧ инфекцияга, токсоплазмоз ва HBS-антигенларга серологик текшируви.

- ИФА, ПИФ усули билан «НПФ ЛАБ диагностика» Москва ш. диагностик антителалари ёрдамида билан *Gardnerella vaginalis*, *U.urealiticum*, *M.hominis*, *Ch.trachomatis* ни идентификациялаш.

- ПЦР *Chlamydia trachomatis* ва *Ureaplasma urealyticum* (алохида беморларга) белгиланди.

- Ички жинсий аъзолар УТТ.

- Микробиологик текширув ЖАОЮИли 80 эркада ва 125 аёлда (20 нафар соғлом ва 105 нафар ЖАОЮИ хавф гуруҳидаги 15 нафар аёл) ўтказилди. Тадқиқотлар ТТА микробиология кафедрасининг микробиологик лабораториясида (кафедра мудирлари проф. Мухамедов И.М) «Феникс инернешнл ЛТД» узбек-америка корхонаси «Hi-media» компаниясидан олинган юқори селектив муҳинли қўллаган ҳолда ўтказилди.

- сперматозоидларни ўрганиш учун проф. И.М. Байбеков томонидан модификацияланган (НЦХ, директор Ф.Г. Назиров) препаратларни СЭМ учун тайёрлаш усулидан фойдаланилди. Хламидиоз бўлган бепушт никоҳдаги 38 беморнинг эякуляти ва жинсий аъзоларида патологияси бўлмаган 8 бемор (назорат) ўрганилди.

Препаратлар «Hitachi s-405a» микроскопида текширилди, расмлар микроскоп монитори экранидан «Canon» рақамли фотокамера ёрдамида олинди. Микрорасмлар Computek Pentium IV Windows XP компьютерида компьютер ишловидан ўтди.

Диссертациянинг «**Бепуштлик ривожланишига хавф омилларининг таъсири**» деб номланган учинчи бобида бепушт аёлларнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлилнинг натижалари келтирилади, у бирламчи бепуштликни 1412(64,3%) ва иккиламчи бепуштликни 784(35,7%) аёлларда аниқлади. Аёлларнинг ўртача ёши  $24,6 \pm 1,1$  ёш. 76,3% аёлларда – най-перинатал бепуштлиги, 35,7% аёлда – эндокрин бепуштлик ва 8,5% аёлда иммунологик бепуштлик аниқланди.

54% аёлда бир ёки бир нечта ЖАОЮИ мавжудлиги аниқланди (хламидиялар, уреоплазмалар, трихомонодлар, гонококклар). 46,8% аёлда инфекция бирламчи бепуштлик билан ва 59,7% аёлда иккиламчи бепуштлик билан бўлди. Бунда энг кўп хламидиялар, уреоплазмалар ва уларнинг бирга кечиши, шунингдек уларнинг бошқа инфекциялар билан комбинацияси аниқланди. Трихомонодлар 12,5% да ва гонококклар 4,4% да аниқланди.

ЖАОЮИ бўлган бепушт никоҳдаги 260 аёлнинг турмуш ўртоқларини текшириш натижаларининг таҳлили эр-хотин жуфтлигида симметрик инфекция мавжудлигини кўрсатди. Бирламчи ва иккиламчи бепуштлик бўлган аёллар анамнезида оператив аралашувлардан бир хил частота билан аппендектомия ва чов чурраси аниқланди. Иккиламчи бепуштлик бўлган аёлларда ўтказилган абдоминал ва гинекологик операцияларнинг (аднексэктомия, тубэктомия, диагностик кириб олишлар ва абортлар, ДЭЖ эрозиялар ш/м) юқори частотаси аниқланди. Бачадон найи ўтказувчанлигининг бузилиши иккиламчи бепуштликда 58% аёлларда, бирламчи бепуштликда 34% аёлларда аниқланди. Бепушт никоҳдаги аёлларда хавф омилларидан ЖАОЮИ, ВЗОМТ, эдометриоз ва эндокрин бузилишларидан ташқари кўпинча бу омилларнинг турлича бирикиб келиши рўйхатга олинди.

Диссертациянинг «Этиологик омиллар ва бепушт никоҳ тузилиши» деб номланган тўртинчи бобида бепушт никоҳда яшаётган 500 аёлнинг проспектив текширувлари натижалари ёритилган. Уларнинг 88,6%да бир ёки бир нечта ЖАОЮИ (хламидиялар, уреоплазмалар, трихомонадлар, гоноккоклар) мавжудлиги аниқланди. Бунда вирусли инфекция (ВПГ, ЦМВ), шунингдек уларнинг комбинацияси иккиламчи бепуштлик бўлган ҳамма аёлларда аниқланди. (1-жадвал).

**Бепушт никоҳдаги аёлларда аниқланган, жинсий йўл оркали юкадиганинфекциялар (% , M±m)**

Инфекциялар	Бирламчи бепуштлик, n=328	Иккиламчи бепуштлик, n=172	Жами, n=500
Аниқланган ЖАОЮИ-лар	82,6±2,1	172 (100%)	88,6±1,4
Жумладан			
<i>Chlamydia trachomatis</i>	40,8±2,7	51,2±3,8	50,7%±2,2
<i>Trichomonas vaginalis</i>	11,6±1,7	50,6±3,8	25,0±1,9
<i>Mycoplasma hominis</i>	21,6±2,3	23,8±3,2	20,7±1,8
<i>Gardnerella vaginalis</i>	36,6±2,6	33,7±3,6	31,2±2,1
<i>Neisseria gonorrhoeae</i>	1,2±0,6	27,9±3,3	4,4±0,9
<i>Herpes simplex</i>	78,0±2,4	98,8±0,8	85,2±1,6
<i>Cytomegalovirus</i>	74,4±2,3	86,0±2,6	78,4±1,8

Никоҳда бўлган 500 аёлнинг турмуш ўртоқларининг текшируви, эркакларда тез-тез симметрик инфекцияни аниқлади. Эркаклар (56%) ўйлангунга қадар никоҳдан ташқари жинсий алоқаларга кирганлигини айтдилар, ва 87,2% буни ўйлангандан кейин ҳам давом эттирганлар. Уретрадан шиллиқ-йирингли ажратмалар симптомлари 264(52,8%) эркакларда аниқланди, лекин фақат 84(16,8%) эркак илгари ўтказилган гонорея ва трихоминозни кўрсатдилар.

Акушер-гинеколог томонидан ўтказилган бепуштлик бўлган 460 аёлнинг клиник текширувлари натижаларининг таҳлили аниқланди: эндокрин бепуштлик 19,5% аёлларда; сперматозоидлар ва туҳум ҳужайралар транспортига тўсқинлик қилувчи (29,3%) бачадон найларининг органик шикастланишлари. Бачадон найи ўтказувчанлиги бузилишлари купинча эндометрит ва эндоцервицит билан биргаликда келди, иккиламчи бепуштлик бўлган беморларда улар кўпинча туғриқдан кейинги ва абортдан кейинга асоратлар билан боғлиқ бўлиб, улар бачадон найларнинг окклюзион шикастланишларни келтириб чиқарди. Бирламчи бепушт аёлларда най ўтказувчанлиги бузилишининг сабаби жуда тез-тез ЖАОЮИ бўлди. Эркаклар фертиллигини ташхислашда сперматограмманинг нормал кўрсаткичлари (адекват жинсий фаолиятда) бузилмаган уруғлантирувчи қобилят ҳақида гувоҳлик беради, агар кўрсаткичлардан жуда бўлмаса биттасида оғиш бўлса инфертилликнинг сабаби бўлиши мумкин.

Текширувдан ўтказилган 500 эркекнинг 295(59%) нафарида сперма кўрсаткичлари нормал, 205(41%) нафарида оғишлар бўлди. Улардан 24(4,8%) кишида сперматозоидлар топилмади, 181(36,2%) нафарида эса патоспермиянинг турли вариантлари бўлди.

Эркеклар инфертиллигининг етакчи омили қуйидагилар бўлди: варикоцеле (9,6%), уруғташув йўлларининг абструкцияси билан қушимча жинсий безларнинг яллиғланиши касалликлари (3,8%) ва идиопатик патоспермиянинг вариантлари: астенозооспермия (7,2%) ва олигозооспермия (8,4%).

Ривожланган мамалакатлар марказлари натижалари билан эркеклар бепуштлигини тузилишининг таҳлил натижаларини киёслаш мумкин, олинган натижаларнинг фарқи шундан иборатки, бизнинг беморларимизда нормоспермия анча юқори (59%).

Диссертацияни «**Бепушт никоҳдаги оилавий жуптлик репродуктив аъзолари фаолиятига микрофлора ва ЖАОЮИнинг таъсири**» деб номланган бешинчи бобида жинсий фаолликнинг инфицирланиш даражаси ва аёллар репродуктив аъзолари ҳолатига таъсири ўрганилди.

19 дан 28 ёшгача бўлган аёллар текширув натижаларининг киёси ўтказилди: 1-гурух-ЖАОЮИли бепушт никоҳдаги аёллар; 2-гурух-ЖАОЮИнинг клиник-лаборатор белгиларисиз бепушт никоҳдаги аёллар; 3-гурух- мукофотланишлар эвазига жинсий ҳизмат кўрсатувчи аёллар; 4-гурух-назорат.

ЖАОЮИ сиз бепушт аёлларда урогенитал йўлининг турли қисмларининг шикастланиши ва инфецирланиш характери (2-гурух) назорат гуруҳининг соғлом аёлларигида деярли бир ҳил бўлди ва сезиларли фарқланмади. ЖАОЮИли бепушт аёлларда (1-гурух) тез-тез жинсий аъзоларнинг ўткир кечувчи яллиғланишли касалликлар аниқланди, ЖАОЮИ сиз аёлларда эса (2-гурух) тез-тез бирламчи бепуштлик, уч марта кўпроқ эндокрин патология, турли хирургик аралашувлар, вирусли гепатит ва болалар ёшидаги ўткир вирусли инфекциялар аниқланди.

Мукофотлар эвазига жинсий алоқа қилувчи аёлларнинг 3-гурухида текширилганларнинг 100%-ида ЖАОЮИ мавжудлиги, шу жумладан иккиламчи яширин сифилис 7,5%-ида, гонорея 22,5%-ида, трихомонодлар 77,5%-ида, хламидия, уреплазма, кандидлар ва уларнинг бирга келиш ҳамма шахсларда аниқланди. Ҳамма гуруҳлардан текширувдан ўтган аёлларда топик ташҳис урогенитал йўлининг турли соҳаларининг патологик жараёнга жалб этилиши билани характерланди, бироқ у никоҳдан ташқари алоқалар билан шуғулланадиган 3-гурух ёлларида бир неча марта кўпроқ (2-жадвал).

Урогенитал инфекцияларнинг клиник намоён бўлиши кўпинча бир типли характерга эга бўлди ва «ажрашмалар синдроми» номига мос келди.



## 2-жадвал

### Турли ижтимоий гуруҳ аёлларида репродуктив бўзилишларнинг топик ташҳиси

№		1-гуруҳ	3-гуруҳ	Назорат
1.	Эндоцервицит	86,3%	92,5%	15%
2.	Кольпит	63,4%	85%	15%
3.	Уретрит ва цистит	44,4%	85%	10%
4.	Эндометрит	60,2%	82,5%	10%
5.	Сальпингоофорит	18,4%	72,5%	10%
6.	Бачадон бўйинчасидаги эрозия	16,4%	60%	10%
7.	Ҳайз кўриш функциясининг бузилиши	13,4%	47,5%	5%

Микробиологик текширувлар кўрсатдики, 3-гуруҳ беморларда кин микрофлорасида лакто- ва бифидобактерияларнинг таркиби бепушт никоҳдаги аёлларидагига қараганда уч қаторга паст, Ph нинг нейтрал қийматлари аниқланади, факультатив микроорганизмларнинг дрожели замбуруғларнинг таркиби микдори ортади, гарднереллалар, микоплазмалар, уреоплазмалар экилади.

Никоҳда бепушт аёлларда жуда тез-тез *Chlamydia trachomatis* (50,7%-ида) ва *Trichomonas Vaginalis* (25,0%-ида) аниқланди.

Лекин никоҳда бепушт бўлган вулвовагинал трихомониазли 82 аёлнинг турмуш ўртоғи текширилганда улар эркакларнинг фақат 50(60,9%-ида) нафаридан трихомонадлар аниқланди.

Бунда трихомониазли эркакларда микроскопик ва культурал текширилганда *Trichomonas Vaginalis* 48% да фақат уретрада *Trichomonas Vaginalis* фақат эякулята 30% беморда эса ҳам уретрада ҳам эякулятда аниқланди.

Натижаларни киёслаш кўрсатдики. Бўялган суртмаларнинг ёруғликли микроскопияси трихомониазли эркакларнинг яримидан камида трихомонадларни топиш имконини берди. Материални озуқа муҳитига экиш уретрада трихомонадаларнинг сурта микроскопияси билан киёсланганда 72% ва эякулятда 52% 2-5 марта кўпроқ аниқлашини таъминлади.

Бепушт никоҳдаги эркакларда трихомониазни культурал ташҳислаш натижалари бир ҳужайралиларнинг нафақат уретрада, балки простата-визикүляр комплексда ҳам мавжудлигини кўрсатди.

Трихомониазли 50 нафар эркакнинг уларда бошқа ЖАОЮИ мавжудлигига (*C.Trachomatis*, *N.gonorrhoeae*, *U.urealyticum*, *M.genitallium* ва бошқалар) текширувлари санаб ўтилган кузғатувилар бепушт эркакларда анча кўп ко-инфекция кўринишида учрайди. Трихомониазли эркаклар урогенитал йўлида моно-инфекция 22,0±5,9% беморда, микс-инфекция эса 78,0±5,9% беморда аниқланди. Жуда тез-тез трихомонадлар хламидиялар билан бирга келди (64%). Шунинг учун бепушт эркакларда трихомонадларни аниқлаш

репродуктив йўлида бошқа УГИнинг мавжудлигини лаборатор текшириш билан тўлдирилиши керак (1-расм), уларни топиш аралаш-жинсий инфекцияли беморларни этиотроп даволаш муҳим коррекциялашни талаб қилади.



**1-расм. Бепушт никоҳдаги эркакларда ЖАОЮИ ва УГИ текшириш алгоритми**

Натижаларни қиёслашнинг кўрсатишича, бўялган мазокларни рангли микроскопия қилиш трихомониазга чалинган эркакларнинг ярмидан камроғида трихомонадаларни аниқлашга имкон беради. Материални озуқа муҳитига экиш мазокни микроскоп билан текширгандагига қараганда уретра (72%) ва эякулятда (52%) трихомонадаларнинг 2-5 марта кўп аниқланишини таъминлади. Бепушт никоҳдаги трихомониазни культурал ташхислаш натижалари нафақат уретрада, балки простата-везикуляр мажмуасида ҳам оддий трихомонадалар бўлишини кўрсатди.

Трихомониазга чалинган 50-та эркакни уларда бошқа ЖАОЮИ-лар (*Ch.Trachomatis*, *N.Gonorrhoeae*, *U.urealyticum*, *M.Genitalium* ва б.) мавжудлиги нуқтаи назаридан текшириш шуни кўрсатдики, кўрсатилган кўзгатувчилар урогенитал трихомониазга чалинган эркакларда шерик инфекциялар кўринишида етарлича кўп учрайди. Бу эркакларнинг урогенитал трактида трихомонадалар: моно-инфекция ҳолатида  $22,0 \pm 5,9\%$ , ва аралаш инфекция  $78,0 \pm 5,9\%$  беморларда учради. Трихомонадалар, энг кўп ҳолда (64%), хламидиалар билан ёнмаён келади. Шу сабабли, бепушт эркакларда трихомонадаларни аниқлаш репродуктив трактда, бошқа УГИ-ларнинг мавжудлигини лабораторияда текшириш билан тўлдирилиши керак,

уларнинг топилиши аралаш секс-инфекциялар мавжуд пациентларни этиотроп даволашга жиддий тузатиш киритишни талаб қилади.

Сурункали трихомониазга чалинган беморларда нохусусий микрофлора эякулятга нисбатан уретрада кўпроқ ва юқори титрда ( $>10^4$  КОЕ/мл) сепилди, икки ва ундан ортиқ турдаги микроорганизмларнинг, кўпинча *Staphylococcus epidermidis*, *Staphylococcus Haemolyticus*, ва энтеробактериялар билан чатишувида ифодаланади (*Escherichia coli* устунлик қилади).

Бепушт никоҳдаги трихомониаз ва хламидиозга чалинган эркакларнинг 68%-ида бу ЖАОЮИ-ларни 10 кун самарали этиотроп даволанишдан кейин, репродуктив трактдаги нохусусий ҳамроҳлик қилувчи бактериал инфекция сақланиб қолди, 80% беморларда эса аниқланган клиник-лаборатор мақом жиддий тарзда ўзгармади.

Диссертациянинг «**Бепушт никоҳдаги эр-хотинларда ЖАОЮИ ни мажмуавий даволаш**» деб номланган олтинчи бобида, бепушт никоҳда бўлган эркакларда ЖАОЮИ ни даволаш натижалари келтирилган. Ҳар бир эр-хотин жуфтлиги ЎЗР ССВ тасдиқлаган ЖАОЮИ ни ташхислаш ва даволаш стандартларига мувофиқ, аниқланган инфекциялар ва ЖАОЮИ кўзгатувчиларининг (гонококклар, хламидиалар, микоплазмалар ва уреоплазмалар) антибактериал препаратларга таъсирчанлигини ҳисобга олган ҳолда даволанди.

Бепушт эркаклардаги трихомониазга чалиниш частотасини ва унинг хусусиятларини, клиник кўринишларининг кам аломатлилигини ва аралаш инфекциялар (ЖАОЮИ-лар ва ҳамроҳлик қилувчи УГИ-лар) частотасининг юқорилигини ҳисобга олиб, даволашни амалга оширишда қуйидаги терапия алгоритмига риоя қилиш зарур:

1. Антипротозой препаратларни тайинлаш (трихомониазни даволаш).
2. Кейин янги топилган ЖАОЮИ-ларни (гонококклар, хламидиалар, уреоплазмалар ва бошқалар) этиотроп даволаш.
3. Ўзгача кечувчи УГИ-и этиотроп терапияси яқунлайди (уларнинг антибиотикларга сезувчанлигини ҳисобга олган ҳолда).

Аксил трихомонад терапиядан кейин микробларга қарши фаолликнинг кенг спектрини қамраб олувчи антибиотикларни тайинлаш, уларнинг таъсир спектри 2-3-та инфекция кўзгатувчини қамраб олади.


Антибиотикларга сезувчанликнинг аниқланиши шуни кўрсатдики, цефалоспоринлар ва фторхинолонлар гуруҳига кирувчи препаратлар гонококкларга, шунингдек, бепушт никоҳда турган аёллар вагинал микрофлорасининг грамижобий ва грамсалбий микробларига самарали антибактериал таъсир қилади.

Трихомонад инфекцияни даволаш самарадорлиги беш кун мобайнида кунига 1,5 гр. тиберал курси (монотерапия) ёки аралаш даволаш орқали бир вақтнинг ўзида 10 кун мобайнида метронидазол ва атрикан тайинлаш йўли билан таъминланди. Ҳали эскирмаган, асоратланмаган трихомонад уретритни даволаш учун метронидазол, тинидазол ёки тиберал тайинланди.

Хламидиознинг этиотроп терапиясининг самарадорлиги тетрациклин, макролидлар ва фторхинолонларни қўшиш билан таъминланди, хламидиоз

каттиқ кечган ҳолларда доксициклин аралаш тайинлаш амалиётига қўл урилди. Антибиотико терапиядан кейин ривожланадиган ҳамроҳлик қилувчи урогенитал кандидозни профилактика қилиш ва даволаш учун тизимли таъсир кўрсатувчи антимикотиклардан бири– дифлюкан, орунгал, тербизил тайинланди.

Аралаш инфекцияни даволаш энг мураккаб вазифалардан бирини ифодалайди. Азитромициннинг қуйидаги схема бўйича қўлланилиши хламидиоз, гонорея ва микст-инфекцияни даволашда унинг самарадорлигини таъминлади: 1-кун – 1,0 гр., кейинги 4 кун – кунига 1 маҳал 500 мг.дан, курсга – 3,0 гр. Фторхинолонлар (офлоксацин, ципрофлоксацин, таривид, ципробай, абактал) гонококкли, хламидиали, уреоплазмали ва аралашган инфекциялар терапиясида тегишли терапевтик дозада муваффақиятли қўлланилди.



2-расм. Бепушт никоҳдаги ЖАОЮИ ли эркакларни даволаш алгоритми.

ПВИ терапиясида қуйидаги қоидага амал қилинди: агар вирусни типлаштириш имконияти мавжуд бўлмаса, яъни «паст, ўрта ва юксак даражадаги» онкоген хатар кичик гуруҳини аниқлаш мумкин бўлмаса, имкони борича ПВИ-нинг клиник кўринишларини эртароқ бартараф этиш тавсия қилинади.

Касаллардаги генитал кондиломалар терининг, шиллиқ вульва ва бачадон бўйинчасининг зарарланган қисмига вапоризация қилиш (буғланиш) йўли билан CO<sub>2</sub> лазери таъсирида бартараф қилинди. Бартараф қилиш жараёнини беморлар яхши қабул қилишди, ҳеч қандай оғриқли ҳиссиётларни

кайд этишмади. Ҳосил бўлган пўстлоқ 4-6 кун тушмасдан турди, шундан кейин эрозия чандик тўқимаси ҳосил қилмасдан эпители тўқимага айланди. Уч ойдан олти ойгача бўлган муддатда динамик кузатишлар папилломавирус инфекцияси клиник кўринишларининг қайталаниши юз бермаганлигини кўрсатди.

Бепушт никоҳ бўйича клиникага мурожаат қилган оилавий жуфтликлардан 30 оила ажратиб олинди, бунда мажмуавий клиникалаборатор текширувда аёлда моно-инфекция –оддий герпес вируси аниқланди. 30 оилавий жуфтликни валтрекс (валацикловир) препарати билан 500 мг.дан кунига 2 маҳал 5 кун мобайнида эпизодик даволаш оғрикли сезгиларнинг тезда камайишини, эрозияларнинг 3-4 кунга бориб қуриши ва эпителий алмашувини, даволаш курси тугагандан сўнг 48 ҳафта мобайнида ОГВ рецидивларининг йўқолишини таъминлади.

Шундай қилиб, ЎзР ССВ тасдиқлаган ташхислаш ва даволаш стандартларига мувофиқ, кўзгатувчиларнинг этиологик таркибини ва антибактериал препаратларга таъсирчанлигини ҳисобга олган ҳолда ЖАОЮИ-ни мажмуавий этиотроп даволаш беморларнинг клиник ва микробиологик соғломлашувига олиб келади, бу репродуктив функцияни қайта тиклашнинг ва бепуштликни муваффақиятли даволашнинг гарови ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Бепушт никоҳдаги эркакларда уретропростатит ва ЖАОЮИ ни даволаш усуллари**» деб номланган еттинчи бобиди, бепушт никоҳдаги эркаклар простата ва қўшимча безлари яллиғланишини текшириш ва даволаш натижалари келтирилди, даволаш жараёнидаги эркак спермаси маҳсулдорлиги баҳоланди.

Бепушт никоҳда турган 500 эркакнинг 102 нафарида (20,2%) клиникалаборатор текширув пайтида уретрит ва/ёки простатит ташхиси кўйилди. Беморлар икки гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ – ЖАОЮИ-ларга чалинган (трихомонадалар, хламидиалар, гарднереллалар, ОГВёки аралаш) 72 нафар бемор; 2-гуруҳ – бактериал уретропростатитга чалинган 30 нафар бемор; назорат гуруҳи – 20 нафар фертил соғлом эркак. Ҳаммасининг ёши 20 дан 35 ёшгача.

Бармоқ билан пайпаслаб кўриш (БПК) натижаларига кўра биринчи гуруҳдаги 72 нафар эркакнинг 39 нафарида (54,2%) сурункали простатит аломатлари аниқланди, уларда трихомонадалар, шунингдек, улар бошқафлора билан уйғунликда экилган (3-жадвал ).

Яллиғланиш жараёнга кўпроқ простата безининг периферик қисми жалб бўлди: 51,5%–асосий гуруҳда ва 53,3%–қиёсий гуруҳда, кейин марказий қисми жалб бўлди: 30,3%– асосий гуруҳда ва 30%– қиёсий гуруҳда. Тегишлича 18,2% ва 16,6% ҳолларда аралаш зарарланишлар мавжуд бўлди.

Простатитларни даволаш катта муаммо бўлиб қолмоқда. Фақат антибактериал препаратларни қўллаш ҳамиша ҳам кўзгатувчиларни бартараф қилишга олиб келмайди ва пациентнинг генитал инфекциялардан даволанишини кафолатламайди. Сабаби – дори препаратларининг простата безига кириб бориши 10-15%-дан камроқни ташкил қилади.

**Бепушт беморларда простатит, везикулит ва эпидидимитни  
микрофлараларга нисбатан учраш частотаси**

Простатит ва везикулитни этиологик омиллари	Беморлар сони	Простатит	Везикулит	Эпидидимит
<i>Trichomonas vaginalis</i>	54(75%)	39(54,2%)	12(16,7%)	6 (8,3%)
<i>Chlamidia trachomatis</i>	42(58,3%)	31(43,1%)	9(12,5%)	5(6,9%)
<i>Mycoplasma hominis</i>	6 (7,6%)	6(100%)	2(20%)	
<i>Ureaplasma urealiticum</i>	24(30%)	20(83,3%)	4(16,6%)	1(4,1%)
<i>Herpes simplex virus</i>	26(32,5%)	24(92,3%)	2(7,7%)	
<i>Gardnerella vaginalis</i>	16(20%)	14(87,9%)	5(31,2%)	

Бу муаммони ҳал қилиш учун биз паст интенсивли лазер нурланишидан (ПИЛН) фойдаландик, бунда биз ПИЛН дори воситаларининг мембраналар ташилишини кўпайтириш йўли билан дори препаратларининг ёпилиб қолган ўчоқларга кириб боришини таъминлашидан келиб чиқдик (Райгородский Ю.М. ва ҳам., 2002, Боголюбов В.М., 2003, Несмеянов А.Н., 2004.).

Бепушт никоҳда турган 72 эркакдаги (асосий гуруҳ) сурункали уретропростатитни даволаш контактли лазеротерапия усули билан нур чиқарувчи (ЛОЗ) бошчалик ва ЗМ-50 магнит учлик, 10-15 Вт қувватга, 80 Гц частотага эга «МАТРИКС» (Россия) лазер терапияси аппаратида амалга оширилди.

Патоспермияга чалинган бепушт никоҳдаги беморларни даволашда моякларнинг ҳар бирини 5 дақиқа мобайнида, кейин эса думғаза ва чот орасини 2 дақиқадан биполяр лазерли нурлантириш амалга оширилди. Курс 14-та ҳар кунлик процедурадан иборат бўлди.

ЖАОЮИ-ларга чалинган эркаклардаги простатитни даволашда этиотроп даволаш ва думғаза соҳасини 5 дақиқа мобайнида алоқа-ойнали барқарор нурлантириш амалга оширилди. Курс 14 та ҳар кунлик процедурадан иборат бўлди.

Трихомонад инфекцияни даволаш 5 кун мобайнида кунига бир маҳал 2,0гр. тинидазол ва 2 маҳал 500мг. орнидазол бериш билан амалга оширилди. Ҳар икки гуруҳ кирувчи эркаклардаги хламидиозни даволаш доксициклин препаратларини стандарт суткалик дозаларда 0,1 гр.дан кунига 2 маҳал бериш билан амалга оширилди.

Асосий гуруҳда – доксициклиннинг энг кам курси 14 кун + ПИЛН, простатитга чалинган 30 кишидан иборат қиёслаш гуруҳида – доксициклиннинг стандарт курси 21 кун.

Ўтказилган даволаш қуйидаги натижаларни таъминлади: асосий гуруҳда соғайиш фоизи 97,2%-ни ташкил қилди, 72 пациентнинг фақат 1 нафарида трихомонад инфекция аниқланди, айти вақтда қиёслаш гуруҳида соғайиш фоизи 90,0%-ни ташкил қилди, бунда 30 пациентнинг уч нафарида этиологик соғайиш юз бермади.

Асосий гуруҳда 57,5% ҳолатда, қиёслаш гуруҳида 42,8% ҳолатда простата беи ўлчамларининг нормаллашуви юз берди; касамандлик тегишлича 49,1% ва 34,6%га камайди; зичлашиш қисмлари тегишлича 20,3% ва 5,7%га бартараф этилди.

Даволаш жараёнида асосий гуруҳга кирувчи эркаларнинг простата беи секретидаги лейкоцитлар миқдори (1–10 кўриш майдонида) 59,4%га, қиёслаш гуруҳида эса 25,0%-га нормаллашди; 30-дан ортиқ к/м да лейкоцитлар миқдори 48,0% ва 21,1%-га; 10–30 кўриш майдонида лейкоцитлар миқдори тегишлича 11,4% ва 3,9%-га камайди ( $p \leq 0,05$ ).

Простата безининг функционал фаоллигини баҳолаш кўриш майдонидаги лецитин доналарининг сони бўйича аниқланди. Агар даволаш бошлангунга қадар асосий гуруҳга ва қиёслаш гуруҳига кирувчи пациентларнинг простата суюқлигида тегишлича 22,3% ва 21,8% ҳолларда;

- кўриш майдонидаги 50-гача – тегишлича 57,5% ва 55,9% ҳолларда катта миқдорда лецитин доналари мавжуд бўлган бўлса, ўтказилган даволашдан кейин лецитин доналари асосий гуруҳда ва қиёслаш гуруҳида тегишлича 60,1% ва 41,3% ҳолларда;

- 50-дан ортиқ кўриш майдонида тегишлича 9,3% ва 14,5% ҳолларда лецитин донаси катта миқдорда мавжуд бўлди.

